

---

## Марғилонда Хитой инвестицияси иштирокидаги лойиҳалар амалга оширилади

Бугун Хитойлик инвестор жаноб Чарлз бошчилигидаги ишбилармонлар гуруҳи Марғилон шаҳрига ташриф буюрди. Меҳмонларни шаҳар ҳокимлиги вакиллари ва “Golden valley fasteners” МЧЖ раҳбари Нодиржон Рўзиев кутиб олиб, уларни ушбу корхонада бурама мих ишлаб чиқариш жараёни билан таништирди.

Инвесторларга шаҳарда амалга оширилаётган мега лойиҳалар тўғрисида маълумот берилди. Ишбилармонлар лойиҳаларни жойига чиқиб ўрганиб, катта қизиқиш билдирдилар ва йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга келишиб олинди.



2024-08-14 20:16:22